



## ИСТЕЪДОД ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ

*МАННАБОВ Абдухамид Абдимажитович*

эркин тадқиқотчи

**Аннотация:** Инсонни зеҳни уни ақлий зукколиги ва хотирасининг зарур вақтларда панд бермаслиги билан боғлиқ бўлиб, унда инсон табиат, жамият тўғрисидаги фикрларини ўз-ўзини англаш борасидаги ақлий мушоҳадаларини изчиллик билан маълум бир тартибга солади. Мақолада истеъдод шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсирига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Инсон, зеҳн, ақлий зукколик, хотира, табиат, жамият, ақлий мушоҳада, истеъдод, ижтимоий муҳит.

Инсон ўз зеҳнини ривожлантириб, ақл (интеллект) орқали чархлаб бормаса ҳам у янада ўтмаслашиб қолади. Шунинг учун ҳам зеҳни ривожлантиришда истеъдод муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки истеъдодли киши ворисийлик асосида етиб келган билимларни тез ва соз равишда ўзлаштириб олади.

Бунда инсоннинг истеъдоди объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланади ва янада ривожланиб боради. Яъни истеъдод табиий биофизиологик омиллар ва ижтимоий муҳитнинг кетма-кет кўрсатган таъсири натижасида янада мукаммаллашиб боради. Истеъдоднинг шаклланиши хусусида хилма-хил қарашлар, ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, бунда баъзи бир тадқиқотчилар истеъдод асосан биофизиологик омиллар билан боғлиқ равишда ривожланишимутлақлаштиришга қаракат қилаётган бўлсалар яна бир гуруҳ тадқиқотчилар истеъдод шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсирини мутлақлаштирадilar. Шунингдек истеъдодни ирсий гинетик хусусиятлар билан боғлиқ эканлигини таъкидловчи ҳозирги замон гинетикаси мутахассисларининг фикрини ҳам ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга.

Ҳозирда истеъдодога диний нуқтаи-назардан ёки тасаввуфий жихатдан ёндашишлар ҳам мавжуд бўлиб, бунга мувофиқ инсон мавжуд диний амалларни бажариш орқали ўз истеъдодини янада мукаммаллаштириши мумкин. Тасаввуфий нуқтаи-назаридан эса инсон ўз нафсини енгиш орқали мавжуд ички руҳиятини соф



холга келтириши асосида ўз истеъдодини акс эттириши ва уни янада ривожлантириши мумкин.

Истеъдод ўзига хос турли кўринишларда намоён бўлади. Чунончи, истеъдод: илмий, бадий, техник ижодкорликда, спорт ва касбкор маҳоратларида яққол кўринади. Шунингдек истеъдод инсон амалий фаолиятидаги барча соҳаларида ўзига хос тарзда акс этади. Истеъдод ҳар бир соҳа мутахассисида ўзига хос тарзда ривожланган, ёки ривожлантирилмаган равишда ҳам акс этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам инсон ўз ҳаётининг фаолияти давомида билим ва тажрибаларини янада ривожлантириш лозим бўлади, албатта. Истеъдод ўзининг мукаммал ҳолатига эга бўлишда унинг ахлоқий меъёрлар билан уйғунлашуви талаб қилинади. Шундагина, бундай истеъдод соҳиби жамият учун зарур инсон бўлиб қолади. Чунки истеъдодли киши ҳаётда ўзига бино қўйган бўлса, калондимоғ ва ўзбошимча бўлса охир-оқибат ўз истеъдодини заифлаштириб қўйиши мумкин. Шу маънода ота-бобаларимиз “камтарга камол, манманга завол” деган нақлни келтирганлари бежиз эмас, албатта.

Шунинг учун ҳам Шарқ ақл (интеллект) ни нафс устидан ҳукмронлигини таъминлаш донишмандлик аломатларидан бири ҳисобланади. Шарқ алломаларининг асосий ютуғи ҳам айнан ўз истеъдодларини ахлоқий-диний меъёрлар билан уйғунлаштирган холда ривожлантирганликлари-дандир. Ғарбда эса кўпроқ моддий манфаатдорлик асосида амалий фаолият юритиш, истеъдоднинг шу асосида бошқариш яъни ундан фойдаланиш устувор аҳамиятга эга.

Креатив тафаккурнинг яна бир тузилмасини қобилият ташкил қилади. Қобилият ўзининг мазмун-моҳиятига кўра истеъдоддан фарқланади. Яъни бизнингча истеъдод кўпроқ ақл билан боғлиқ ходиса ҳисобланса, қобилият эса қалб билан боғлиқ бўлган маънавий-руҳий ходиса демакдир. Чунки истеъдод барча кишилар фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қобилият эса кўпроқ айрим кишилар тоифаси фаолиятида акс этади.

Истеъдод ва қобилият бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлсада, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода истеъдод ва қобилиятни



уйғун бўлиши инсонни маънавий баркамол бўлишга олиб келади. Истеъдод ва қобилиятни шакллантиришда биофизиологик омиллар (жисмонан соғломлик Мия фаолиятидаги бир маромдаги ўзгаришлар, хатто экологик муҳит ва бошқа шу каби табиий жараёнлар) ижтимоий муҳит (элита, зиёлилар. Ҳаётий тажрибаларга эга бўлган инсонлар. Мутахассислар, оила ва бошқа шу каби ижтимоий мунасабатлар), интуитив фаолият ва маънавий-руҳий поклик ўзига хос ўринга эга.

Креатив тафаккур ўзининг мазмун-моҳиятига кўра инсонни маънавий жиҳатдан етуклигини белгилаб беради. Бунда эса креатив тафаккурни тузилмасини ташкил этувчи маънавий унсурлар зехн, истеъдод ва қобилият катта ўринни эгаллайди. Келажак авлодни тарбиялашда айнан уларни креатив тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш ҳозирги кун учун муҳим зарурият ҳисобланмоқда.

Креатив тафаккурни билиш жараёнидаги вазифаси ҳам гносеологик, ҳам эпистемологик хусусиятга эга. Бу хусусида рус файласуф ва ёзувчилари Н. Бердяев, Ф. Достоевский, Л. Толстой, Т. Федотов ва бошқалар асосли фикрларни билдириб ўтганлар. Масалан, Н. Бердяев инсон ижодий тафаккурини озод ва мустақил бўлган ҳолда воқеликни тўғри инъикос эттириши мумкинлигини, акс ҳолда ундаги қарамлик воқеликни тўғри акс эттира олмаслиги ва ҳатто ривожланиш хусусиятига ҳам эга бўла олмаслигини келтириб ўтади [1].

Инглиз файласуфи Ричард Прайс креатив тафаккурни ўрганиш борасида махсус тадқиқот олиб бориб, уни кўпроқ интуитив билиш билан уйғунлашуви натижасида янада ривожланиб бориши мумкинлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. “Интуитив билишни асосий хусусияти мутлақ ҳақиқатни билишга қодирлиги билан ҳам белгиланади” [2].

Кембридж университетининг неоплатончилари Р. Кадуорта, Р. Камберлендалар креатив тафаккур билиш жараёнидаги вазифаси тўғрисида алоҳида тўхталиб уни асосан маънавий-руҳий жараён маҳсули эканлигини кўрсатиб ўтади. Креатив тафаккурни фалсафий жиҳатдан талқин қилган таълимот намоёндалари С. Кларк ва У. Уолластоналарнинг фикрларига кўра “Креатив



тафаккур ҳиссий, ақлий ва маънавий-руҳий жараёнлар билан биргаликда воқеликни янги рационал мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиб, янгиликларга эришади” [3].

Хуллас, креатив тафаккур табиат, жамият ва инсонни ўз-ўзини ислоҳ қилишига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради. Креатив тафаккур биринчи навбатда гносеологик вазифани бажаради. Яъни инсон ўзининг ижодий тафаккури орқали ўзи яшаётган дунёни билишга, воқеликни бутунлигича идрок қилишга интилади. Инсонни ҳиссий аъзолари орқали олинган дунё тўғрисидаги ахборотларни жамлаган холда фикр мушоҳада юритади. Бу жараён инсон креатив тафаккури гносеологик вазифасини кенг маънода талқин этиш бўлса, тор маънода эса инсонлар ўз ижодий салоҳияти орқали воқелик, предмет ёки ходиса тўғрисида мустаҳкам билимга эга бўлиш, тасаввур, идрок, синчковлик ва ақлий зукколик асосида мавжуд билимларга танқидий ёндашиб, керакли хулоса чиқариш кабаларни ўз ичига олади.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Бердяев Н.А. Кризис интеллекта и миссия интеллегенции. // Новый мир. 1990г. Стр 230 .
2. Prine R.A. Review of the Principle Questions in Morals. Oxford. 1948. Introduction. P. 11
3. Hudson W.D. Reason and Right. A. Critical Examination of Prices Moral Philosophy. L.1970.p10.